

ЎЗБЕК ПАХТАСИ УЧУН ГЛОБАЛ БОЙКОТ БЕКОР ҚИЛИНДИ



Шу йил 10 март куни Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси вакиллари ҳамда «Cotton Campaign» халқаро коалицияси делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида яратилган меҳнат шартлоғларига бағишланган пресс-брифинг бўлиб ўтди.

Унда «Cotton Campaign» халқаро коалицияси ўзбек пахтасини глобал бойкот қилиш чакриғи туғганини эълон қилди. «Cotton Campaign» халқаро коалицияси раҳбари Б.Фриман бугун Ўзбекистонда пахта теришда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасида сезиларли ютуқларга эришилганини, соҳадаги кўп йиллик муаммолар ҳал этилганини таъкидлади.
«Cotton Campaign» халқаро коалицияси 2009

йилда Ўзбекистон пахтасини бойкот қилиш бўйича кампания бошлаганди. 12 йилдан ортиқ амал қилган бойкот мамлакатда 2021 йилги пахта терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилмагани муносабати билан бекор қилинган.
Бундан олдинроқ Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон пахтачилигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйилганини эътироф этган эди.



Кун нафаси

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги терма жамоаси Покистон Исломи Республикаси ҳудудда ўтказилган V Халқаро «Жамоа руҳи» мусобақасида муносиб иштирок этди. Мазкур мусобақада Ўзбекистон разведкачилари рекорд натижа билан Ватанимиз байроғини банд қўтаришга муассар бўлиб, шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Туризм ва маданият вазирлиги раиси Азиз Абдуҳакимов ҳамда Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари Дмитрий Чернишенко икки давлат ўртасида сайёҳлар оқимини ошириш учун шартлоғлар яратиш бўйича чора-тадбирлар режасини имзоладди.

Ўзбекистоннинг Бенилюксдаги элчихонаси кўмағида Брюссель пресс клуби платформасида «Тараққийёт стратегияси» маркази раҳбари Эддор Туляков бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Бельгия ва Нидерландия сиёсий-шакллантирувчи, таҳлилий доиралар ва дипломатик корпус вакиллари учун 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққийёт стратегияси тақдирини ўтказди.

Оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилалар учун «Ибратли оила» кўкрак нишони таъсис этилди.

Франциянинг Эврэ агломерациясида ҳар ҳафта чоп этиладиган «Нормандия» журна-лида Бухоро ва Руан ўртасидаги илмий ҳамкорлик ҳақида мақола чоп этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ сирдарёлик журналистлар Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятига ижодий сафарга жўнаб кетди.

Андижон вилояти

Бошланғичларга амалий кўмак

Андижон шаҳридаги иқтисодиёт ва қурилиш институти ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо ўтган қисқа даврда институт касаба уюшма кўмитаси аъзолар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ишларни амалга оширди.



«Биз учун айти мурдао бўлди»

Касаба уюшма кўмита раислиги ақиндагина сайланган Азиза Максимованинг фаолиятидаги тажрибаси камлиги сабаб бироз қийинчилик юзага келаятганлиги. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Федерациянинг Андижон вилояти кенгаши ходимларидан иборат бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳнинг унга берган тавсиялари бу борада айти мурдао бўлди.
— Улардан кўпгина масалалар бўйича керакли тушунчаларни олдим, — дейди Азиза Максимова. — Бу келгуси фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.
Избоскан тумани тиббиёт бирлашмасида касаба уюшма аъзолари сони 2 минг 406 нафарни ташкил этади. Бундай катта жамоа касаба уюшма етакчиси Аъзамжон Ҳазратқуловнинг ҳам бир қатор ечимини кутаётган масалалари тўпланиб қолганлиги. Ишчи гуруҳ аъзолари билан икки соатдан ортиқ давом этган мулоқот жараёнида уларга оидлик киритилди.

Устувор вазифалар таҳлили

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Меҳнат-кашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари М.Ражабов, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров ва масъул ходимлар, бошқарма, марказ, хизмат, минтақавий темир йўл узеллари бошлиқлари ва корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳамда Республика кенгашига аъзо, тасарруфдаги

1,85 млрд. сўм, атроф-муҳитни муҳофазалаш чора-тадбирлари учун 305,2 млн. сўм, ишчиларни махсус кийим-бош ва шахсий муҳофаза анжомлари билан таъминлаш учун 8,5 млрд. сўм сарфланган. Шунингдек, 6501 нафар ишчи учун сут маҳсулотлари тарқатилган, ишчи-ҳодимлар 4,49 млрд. сўмга суғурталанган, жабранганлар ва боқувчисини йўқотганларга 6,48 млрд. сўм йўналтирилган.
Музокараларда касаба уюшма кўмиталарининг раислари, тизимдаги корхоналар бош муҳандислари фаол иштирок этди.
Йиғилиш якунида ташкилий масалалар бўйича ҳам маълумот берилиб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Машинасозлик факультетига «Эзгулик айёми муборак» деб номланган тадбир ташкил этилди.



Унда факультет жамоаси ҳамда Республика мусиқа ва санъат коллежи ўқувчилари иштирок этди.
Тадбирда университет Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Тўтихон Мухторова ва бошқалар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳусусида сўз юритишди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева ижросида тараннум этилган куй ва кўшиқлар тадбирга ўзгача кўтаринкилик бағишлади.
Республика мусиқа ва санъат коллежи ўқувчилари ижросида янграган доира садолари тадбирга ёшлиқ тароватини бахш этди.

Баҳром ИБРОҲИМОВ

Шерзод Юлдашев, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири



Сирдарё вилояти

ЙЎҚЛОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов Гулистон тумани маҳаллаларида бўлди.

«Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ольга Рудакова дил сўзларини шундай изҳор этди:

– Қўлимга гул ва совға тутишди, байрамни чинакамига ҳис қилдим. Очиғи, вилоят вакили, ташкилот раҳбарларининг хо-надонимизга келиб алоҳида қутлаши мен учун қутилмаган ҳол бўлди. Буни узоқ вақт бахтиёрлик билан эслаб юраман.

Ольга опа сингари самимий сўзларни айтганлар кўп бўлди. Ёниқ кўзлар, кўнгил таскини, ишонч чироклари порлашида касаба уюшмалари фаоллари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир.

МЕҲР НУРИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан Янгиер шаҳридаги «Мурувват» аёллар интернат уйида ўтказилган тадбир ҳам айни ҳафталик доирасида ташкил этилди.



Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»

Унда байрам табриклари янграгач, ушбу масканда даволанаётган барча аёлларга оёқ кийимлари ва гигиеник воситалар берилди. Ишловчи ходимларга эса эсдалик совғалари ва байрам концерт дастурига чипталар топширилди. Интернат уйида республиканинг турли бурчакларидан келган 162 нафар бемор аёл даволанмоқда. Уларга 132 нафар тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда. Яратилган зарур шарт-шароитлар ва доимий ғамхўрлик натижасида беморлар орасида соғайиб, оиласи бағрига қайтганлар ҳам бор. Байрам совғасини қабул қилган мунис опа-сингиллар энг керакли ҳикматни ёдга солишди: меҳр-мурувват – бу бир-биримизга беришимиз лозим бўлган энг яхши совға.



Самарқанд вилояти

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСИН!

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ва тармоқ кенгашлари томонидан ташкил этилган тадбирларда беш минг нафардан зиёд аёл иштирок этди.

Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ тумани кенгаши соҳада меҳнат қилаётган фаол аёлларни рағбатлантирди. Худудда яшовчи аёллар

талаби ўрганилгач, 500 нафар хотин-қизга бадминтон учун спорт анжумлари етказиб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Жиззах вилояти

ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси томонидан ҳам хотин-қизлар байрамига бағишланган тадбир ташкил этилди.

Унда сўз олганлар тизимда меҳнат қилаётган хотин-қизларни баҳор ва гўзаллик байрами билан қутлади. Тадбирда бир гуруҳ фаол аёллар байрам совғалари билан тақдирланди.

Мамадали ҚУЛБОЕВ, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари уюшмасининг Жиззах вилояти бирлашган қўмитаси раиси




Бухоро вилояти

СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бухородаги «Мурувват» аёллар интернат уйида ҳам байрам тадбири ўтказилди.

Унда интернат уйида истиқомат қилаётган аёлларга эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳрибону ҲУСЕНОВА



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатиш кун тартибидеги долзарб масалалардан бирига айланди.

Президентнинг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, ногиронлиги бор шахсларга 1 апрелдан бошлаб бир хил миқдорда – 622 минг сўм нафақа тайинланаётгани сўзимиз исботидир.

Мақсуд фармонга кўра, эндиликда муддатидан қатъи назар ногирон бўлиб қолган, имконияти чекланган шахслар бир хил миқдорда нафақа олади. Бунда ногирон-

лик пенсиясини олувчи 133 минг нафар шахснинг пенсия миқдори ўртача 29 фоизга ошди. Бунинг учун 2022 йилда Пенсия жамғармасидан қўшимча 140 миллиард сўм ажратилади.

Бундан ташқари, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларни парвариш қилувчи она(ота)ларга минимал истеъмол харажатлардан кам бўлмаган миқдорда (500 минг сўм) янги нафақа жорий этилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 30 минг нафардан ошди ногиронлиги бўлган болани парвариш қилувчи оналар учун давлат бюджетидан 2022 йилда қўшимча 157 миллиард сўм ажратилади.

Молия вазирлигининг баёнот беришича, ногиронлиги бўлган фарзандни парваришлайётган оналарда даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш имкони бўлмайди ва шундан келиб чиқиб, бундай оилаларнинг ижтимоий хатарларга заифлиги ошиб боради. Янги нафақа жорий этилиши натижасида ногиронлиги бўлган болаларни парваришлайётган оналар қароқўлланган базавий даромад манбаи билан таъминланади.

Инсон қадр


Парваришlash нафақаси Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат асосида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

2022 йил 1 апрелдан ўзгалар парваришига муҳтож болалар тўғрисидаги, 2022 йил 1 октябрдан эса ўзгалар парваришига муҳтож болаларнинг қонуний вакиллари тўғрисидаги маълумотлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига электрон тақдим этиб борилади. Шунингдек, 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар ва иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақа ва парваришlash нафақаси фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинланади.

Ҳозирга қадар 5 турдаги имтиёзли тоифага эга салкам 70 минг нафар фуқарога уй-жой коммунал хизматлари харажатларини қисман қоплаш учун компенсация пуллари тўлаб келинган. Шу йилнинг 1 мартидан эътиборан яна 30 минг нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз нафақа олувчига ҳам 130 минг сўм миқдорда компенсация тўлови жорий қилинади. Шунингдек, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган пенсионерларга ҳар ой 289 минг сўм миқдорда қўшимча тўлов амалга оширилади.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, аввалги тартибда болалиқдан ногирон бўлган шахсларга 622 минг сўм, ҳаёти давомида ногирон бўлиб қолган шахсларга эса 440 минг сўм миқдорда нафақа бериб келинган.

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гурлан тумани кенгаши туман туризм ва спорт бўлими билан ҳамкорликда «Спортни сев, спорт билан яша!» шiori остида аёллар спартакиадаси ўтказди.

Унда халқ таълими, мактабгача таълим, касб-хунар мактаблари тизимида фаолият юритаётган 420 нафардан зиёд хотин-қиз спортнинг волейбол, стол теннис, қисқа масофага югуриш, узунликка сакраш, пневматик қуроладан ўқ отиш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Мусобақа натижаларига кўра, стол теннис ва узунликка сакрашда 1-ўринни

Спорт билан яша!

5-сон мактабгача таълим ташкилоти, волейбол мусобақасида 30-сонли мактаб, 60 метрга югуришда 25-сонли мактабгача таълим ташкилоти, пневматик қуроладан ўқ отиш баҳсларида 8-сонли мактаб вакиллари эгаллашди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва диплом билан тақдирланишди.

Сардорбек ЮСУПОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гурлан тумани кенгаши раиси

Мусобақа

Божхоначилар биринчи

Хоразм вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ҳарбий қисмларда фаолият кўрсатаётган аёллардан тузилган жамоалар ўртасида спортнинг сузми, шашка, стол теннис, 4x50 метрга эстафетали югуриш турлари бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.



Кизгин ва муросасиз кечган мусобақалар якунига кўра божхоначи аёллар фахрли 1-ўрinni эгаллашди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Нурмуҳаммад ДАВЛЕТОВ,

Хоразм вилояти божхона бошқармаси матбуот хизмати раҳбари

КўНГИЛЛАРГА ИЛҚИЛИК УЛАШИБ...

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳридаги Навбахор кўчасида нуроний онахонлар ва ёшлар иштирокида соғлом турмуш тарзи кенг тарғиб қилиниб, «5000 қадам» шиори остида юриш тадбири билан бошланган ҳафталик вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларида ҳам қизғин давом этди.

Байрам муносабати билан «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик улуғланган бўлса, «Табаррук онахонларни эъозлайлик» мавзусидаги учрашувларда пиру бадавлат кайвони момоларга бир олам қувонч улашилмоқда. 100 ёш билан юзлашган онахонларимизга совға-саломлар берилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, «ISHONCH»



Андижон вилояти

БОҒ АРО ҚЎЙСАМ ҚАДАМ...

ёхуд истироҳат боғлари қачон обод бўлади?

Ҳадемай Наврўз байрамини кенг нишонлаймиз. Шу муносабат билан Президентимиз ушбу шодиёнага пухта тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. Хўжжат ижроси доирасида мамлакатимизда кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.



Ана шундай бир пайтда Андижон туманидан ўтувчи «Андижон – Куйганер» катта автомобиль йўли ёқасида жойлашган, ярим гектардан зиёдроқ майдонни эгаллаган «Ёшлар» маданият ва истироҳат боғидаги нохуш манзарани кўрсангиз, ҳафсангиз пир бўлади.

Кўклам келиб, бутун борлиқ уйғонаётганига қарамай, туман раҳбарлари ҳамон уйғонмаганидан ажабланасиз. Акс ҳолда, бедарвоза боғ ичида бемалол ўтлаб юрган кўйлар арчаларни пайҳон қилаётганини қандай тушуниш керак? Болалар яйраб ўйнайдиган аттракционлар нини,

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ШАРАФИГА ЎРНАТИЛГАН ХАЙКАЛ ХАРОБ АХВОЛГА КЕЛИБ ҚОЛГАНИ, КЎЛДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКДАН БУШАГАН ШИШАЛАР ВА ТУРЛИ ЕЛИМ ИДИШЛАР СУЗИБ ЮРГАНИ ХАРАҚАТНИ ТАЪБИНИ ХИРА ҚИЛАДИ.

афдарилиб ётгани билан оқлаш мумкин? Энг ачинарлиси, уртинда «Яшил макон» умумийлик ҳаракати доирасида манзарали ва мевали дарахлар кўчати ўтқизиш куз фаслида бошланган бўлса-да, бу дам олиш масканида шу вақтгача лоақал бир туп ҳам ниҳол экилмаган.

Агар ҳозир биз «Избоскан туманининг Лўғумбек қишлоғидаги 1,7 гектарлик маданият ва истироҳат боғида теварак-атрофдан келган дам олувчилар бир маҳаллар кўл узра моторли қайиқда сайр қилишар, янги келин-куёвлар қувончли дамларини дўст-биродарлари билан шу масканда нишонлашарди», десак, кўпчилик ишонмайди. Ҳолбуки, қишлоқ оқсоқолларининг айтишларича, ўша кезлар бу ерга автобусларда келадиган дам олувчиларнинг кети узилмаган. Турланиб-тусланиб турган товуслар эса боққа ўзгача файз бағишлаган.

Эндиликда эса қаровсизликдан қақраб ётгани, фаввора ва чўмилиш ҳавзаси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари шарафига ўрнатилган хайкал хароб аҳволга келиб қолгани, кўлда спиртли ичимликдан бўшаган шишалар ва турли елим идишлар сузиб юргани ҳар қандай одамнинг таъбини хира қилади.

– Боғ 2016 йили хашар йўли билан ободонлаштирилган ҳамда Хотира ва қадрлаш куни шу ерда нишонланган эди, – дейди «Юқори» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаббат Нажмиддинова. – Келаси йили эса йўлақлар бузилиб, «яшил боғ» қилишга киришилди-ю қолган ишга қор ёғиб, чала ташлаб кетилди. Биз тўпланиб қолган чиқиндиларни гоҳ-гоҳида ўз кучимиз билан олиб чиқариб ташлаймиз. Лекин эгасизлиги ва қаровсизлиги туфайли боғни эпаккага келтириб бўлма-япти. Ҳар замонда баъзи тadbиркорлар келиб, «Уни хусусийлаштириб, обод қиламан», дейишади-ю, кейин қораларини ҳам кўрсатмай кетшади.

Дарҳақиқат, эгасизлик туфайли истироҳат боғини уddалаб бўлма-япти. Избоскан тумани маркази Пойтуғдаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари кўнгилдагидек эмас. – Азалдан Андижон аҳлини «Андижонлик – саранжомлик», дея таърифлашади, – дейди меҳнат фахрийси Йўлдошмирза Исоқжонов. – Ҳозир эса боғ четларидаги уюм-уюм ахлатлар, анчадан бери тозаланмаган ариқларнинг нохуш кўриниши ана шу эътирофга мутлақо номуносиб ҳолатдир. Фаввора атрофида ўр-

натилган буюстлар шарқ мутафаккирларидан қай бириники эканини билолмай бошингиз қотиши тайин. Чунки бу ёдгорликларга уларнинг исм-шарифлари битилмаган.

Энди асосий мақсадга ўтadиган бўлсак, маданият ва истироҳат боғлари фақат байрам тadbирлари ўтказиладиган жойлар эмас, балки йил – ўн икки ой аҳоли мароқли дам оладиган масканлар ҳисобланади. Бундай бўлиши учун эса унда турли ёшдаги кишиларни ўзига жалбата –



Аччиқ, аммо очиқ гаплар

корларга хусусийлаштириб бериш, уларни том маънода аҳоли мириқиб дам оладиган масканга айлантириш вақти келмадимикан?

Хуллас, гапирверсак, гап ҳам, саволлар ҳам кўп. Умид қиламизки, кўпчиликни ўйлантираётган бу муаммага туман мутасаддилари оқилона ечим топишади.

Анваржон ҲАЛИМОВ, «ISHONCH»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эътиборига!

КРЕДИТ ФОИЗЛАРИ

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИГА МУТАНОСИБМИ?

Банкдан қарз олиш ва уни йилма-йил фоизи билан тўлаб ўзиш амалиёти дунё миқёсида кенг қўлланилади. У моҳиятан бизнесни ривожлантиришга ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади. Шу боис бизнинг мамлакатимизда ҳам оммалашган. Бироқ кредит фоизлари ва аҳоли даромадлари ўртасида номуносиблик мавжудлиги банкдан қарз олган кишиларнинг айримларини бирмунча қийнаб қўяётгани ҳам бор гап.

Масалага оидни кiritиш учун айрим далилларни ўзаро таққослаб кўрайлик. Масалан, 2020 йили Россияда фуқароларнинг ўртача ойлиги 700 АҚШ долларига тўғри келган. Бу кўрсаткич бултур сентябрь ойида 9,3 фоизга ошган. Россия банклари таклиф қилаётган кредитлар фоизлари эса унчалик юқори эмас. Айтилик, «Росбанк»нинг истеъмол кредитлари 5 йилга 14 фоиздан 16 фоизгача қилиб белгиланган. «МКБ» банкида 15 йилга 6 фоизли, «Сити» банкида 5 йилга 12 фоизли қарз бериш йўлга қўйилган. «Газпромбанк» 12 фоиз, «СКБ» банки 14 фоиз, «Альфа банк» 16, Совкомбанк 10 фоизгача бўлган истеъмол кредитларини таклиф қилади.

Утган йили қозоғистонликларнинг ўртача ойлиги 600 доллар атрофида, кредитларнинг йиллик фоизлари эса 9 фоиздан 24 фоизгача бўлди. Ўзбекистонда эса ўртача маош 300-350 доллардан ошмаса-да, банк кредитлари нинг



фоизи нисбатан юқориликча қолди. Мана, айрим мисоллар. «Туронбанк»нинг истеъмол кредитлари. 3 йилга ажратилган кредитнинг йиллик ставкаси 26 фоизда, автокредит 3-4 йилга 24-26 фоизда.

«Трастбанк» автокредитлари 3-4 йилга 22-24 фоизларда берилди. Бунда миждоз автомобиль нархининг 30-50 фоизини бошлангич бадал сифатида тўлайди. Микроқарз эса 25 миллион сўмгача миқдорда 12-24 ойга йиллик 24 фоизда ажратилади. Истеъмол кредитлари 1-2 йил муддатга йиллик 25-27 фоиз билан берилди.

«Микрокредитбанк»нинг истеъмол кредитлари уч йилга 28 фоизда, 5 миллионлик микроқарзлар эса бир йилга 27-28 фоизда берилди.

Банклар томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ, каттароқ суммадаги кредит учун хусусий мол-мулкдан ташқари, ишончли шахс кафиллиги гаров омили ҳисобланади. Бунда миждоз қарз олиши учун унга яқин кишии кафиллик қилади. Шунга кўра, банкка қарзни фоизлари билан тўлаш даврида асосий қарз олувчининг даромадлари банк ўрнатган тўловларга етмаса, кафил бўлган кишининг ойлик маошларидан ундирила бошланади. Мабодо кредит олган киши ишсиз қолиб, даромадидан айрилса, банк кафилнинг пластик картасидан маблағларини ечиб олаверади. Кредит шартлари бажарилмаса, кафил бўлган шахснинг мол-мулки (уйи, машинаси) ҳам гаровда туради. Чунки у банк билан тузилган шартномага қўл қўйган. Демак, биргаликда қарз олувчи саналади. Охириги пайтлар жамиятимизда бундай ка-



филлик балосидан қутула олмаётган ижтимоий қатлам юзага келмоқда. Шунингдек, кафилликдан чиқолмай, судга мурожаат қилаётганлар ҳам кўпаймоқда. Ушбу ҳолатлар молиявий келишмовчиликларни келтириб чиқаришдан ташқари, одамлар орасига совуқлик тушишига, ўзаро ишончсизлик пайдо бўлишига ва душманлик кайфиятлари кучайишига олиб келмоқда. Ҳатто, яқин қариндошлар ва дўст-биродарлар ўртасида низо туғдириб, меҳр-оқибатсизлик уруғини сепмоқда.

Айни кезларда Қозоғистон Марказий банкининг йиллик ставкаси 9,75 фоиз, Россия Марказий банки ставкаси 8,5 фоиз. Бу демак, улар тижорат банкларига шу фоизда маблағ ажратади. Бизда бу кўрсаткич 14 фоизга тенг. Табиийки, Марказий банкдан шунча фоиз билан маблағ олган тижорат банки ўз фаолиятини юритиш учун унга устама қўйишга мажбур бўлади. Сабаби – ишчи-ходимларга маош бериш, коммунал тўловларни амалга ошириш ва ҳоказолар учун маблағ керак. Қарабсизки, тижорат банклари ўз харажатларини ҳам қўшиши натижасида кредит пулининг умумий фоизи 20-30 фоизга етади. Бунинг оғирлиги миждозлар гардангига тушади.

Яқинда Марказий банк кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг 2022 йил 1 январь ҳолатига оид статистикасини тақдим этди. Ундан маълум бўлишича, бултур миллий валютадаги кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари қарийб 3 фоизга ошган. Оқибати эса ўз-ўзидан аён. 500-700 АҚШ доллар миқдорда ойлик олаётган қўшни давлатлар фуқаролари кредит учун 8-10 фоиз тўлаётган бир пайтда, маоши 300-400 доллар бўлган бизнинг ҳамюртларимиз 20-30 фоиз тўлашмоқда.

диган инфратузилма яратилиши керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шундай бир пайтда дам олиш масканларининг ўғри ургандай ҳувиллаб ётиши яхши эмас. Уларда турли-туман шохобчалар очилса, ҳеч бўлмаганда 3-4 киши ишли бўлиб, қора қозони қайнаши мумкин-ку. Бас, шундай экан, қаровсиз қолган маданият ва истироҳат боғларини, муайян имтиёзлар билан бўлса-да, ишнинг кўзини биладиган тadbир-

диган инфратузилма яратилиши керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шундай бир пайтда дам олиш масканларининг ўғри ургандай ҳувиллаб ётиши яхши эмас. Уларда турли-туман шохобчалар очилса, ҳеч бўлмаганда 3-4 киши ишли бўлиб, қора қозони қайнаши мумкин-ку. Бас, шундай экан, қаровсиз қолган маданият ва истироҳат боғларини, муайян имтиёзлар билан бўлса-да, ишнинг кўзини биладиган тadbир-

диган инфратузилма яратилиши керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шундай бир пайтда дам олиш масканларининг ўғри ургандай ҳувиллаб ётиши яхши эмас. Уларда турли-туман шохобчалар очилса, ҳеч бўлмаганда 3-4 киши ишли бўлиб, қора қозони қайнаши мумкин-ку. Бас, шундай экан, қаровсиз қолган маданият ва истироҳат боғларини, муайян имтиёзлар билан бўлса-да, ишнинг кўзини биладиган тadbир-

диган инфратузилма яратилиши керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шундай бир пайтда дам олиш масканларининг ўғри ургандай ҳувиллаб ётиши яхши эмас. Уларда турли-туман шохобчалар очилса, ҳеч бўлмаганда 3-4 киши ишли бўлиб, қора қозони қайнаши мумкин-ку. Бас, шундай экан, қаровсиз қолган маданият ва истироҳат боғларини, муайян имтиёзлар билан бўлса-да, ишнинг кўзини биладиган тadbир-

диган инфратузилма яратилиши керак. Қолаверса, кейинги вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа қилиб белгиланди. Ана шундай бир пайтда дам олиш масканларининг ўғри ургандай ҳувиллаб ётиши яхши эмас. Уларда турли-туман шохобчалар очилса, ҳеч бўлмаганда 3-4 киши ишли бўлиб, қора қозони қайнаши мумкин-ку. Бас, шундай экан, қаровсиз қолган маданият ва истироҳат боғларини, муайян имтиёзлар билан бўлса-да, ишнинг кўзини биладиган тadbир-

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА, «ISHONCH»

Эълонлар

«Микрокредитбанк» АТБ балансига қабул қилинган қуйидаги иншоотлар сотилиши маълум қилинади

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг балансига қабул қилинган қуйидаги иншоотларнинг сотувга қўйилганини эълон қиламиз:

«NEWLING» МЧЖ
Объект номи: Паррандачилик цехи бино-иншоот.

Жойлашган манзили: Тошкент тумани, Қизғалдоқ худуди, «Боғизиллол» МФЙ, Бобур кўчаси.

Эр участканинг умумий майдони – 1,300 га.
Қурилиш остидаги ва ҳовли ерлар – 0,0763 га.
Бошқа ерлар – 0,0537 га.
Тел.: +99894 577-02-20; +99899 975-29-70.

Объект номи: Чорвачилик фермаси бино-иншоот.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Наврўз» МФЙ, Самарқанд кўчаси, 29-уй.

Эр участканинг умумий майдони – 19 000 кв.м;
Қурилиш остидаги ва ҳовли ерлар – 5589,36 кв.м;
Тел.: +99894 577-02-20; +99899 975-29-70.

Объект номи: Ем-хашак омбори бино-иншоот.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Наврўз» МФЙ.

Эр участканинг умумий майдони – 1,50 га.
Тел.: +99894 577-02-20; +99899 975-29-70.

«TOSHELEKTROMASH» МЧЖ
Объект номи: Завод худуди бино-иншоот.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Аксикат кўчаси, 176-уй.

Эр участканинг умумий майдони – 4254,0 кв.м;
Қурилиш остидаги майдони – 1217,0 кв.м;
Қаватлар сони 1 ва 3 қаватли бино иншоот;
Тел.: +99894 577-02-20; +99899 975-29-70.

«SMART HOLDING» МЧЖ
Объект номи: Музлатгич омборхонаси.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳар, Чирчик 50 йиллиги шохқўчаси.

Эр участканинг умумий майдони – 3 726,09 кв.м;
Фойдаланиш майдони – 3 122,20 кв.м;
Тел.: +99894 577-02-20; +99899 975-29-70.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 178-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Хамраева Дилором Отабековна номига берилган UM № 0722699 (руйхат рақами 300) рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

П.Ф.Баровский номидаги тиббиёт коллежи томонидан 1993 йилда «Ҳаширралик иши» 2-гурӯх ўқувчиси Турсунбаева (Дўстова) Махсуда Ахматовна номига берилган СТ -1 № 483342 (руйхат рақами 2335) рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini ta'hir xaj'atini:

Кудратилла РАФИҚОВ
(та'хир хай'ати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ
(«Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(«Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги англиқлар, таҳлилий, таҳлилий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Қўрақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилми шарт.
Муаллифлар фикри тақририят нуқтаи назаридан фарқланмиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусаҳҳиллар:
Д. Худойберганаева,
У. Худойберганаева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:25
Топширилди – 21:50

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма V-5065
34419 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзиллими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130



Хажвия МУРАББИЙГА МАКТУБ

Анови ғўдайган дарвозабонинг-ни тўп ушлашга сал-пал ўргатиб қўй. Ўтган ҳафта дегин, ўша нусханг иккита тўп ўтказиб юборганида, куёвим боя-қиш инпарк бўлиб қолди. Ўша кундан бошлаб бечоранинг сочлариям оқариб кетди. Ишонган футболчинг 11 метр деган бир қарич жойдан тепган тўп дарвозага кириш ўрнига осмонга чиқиб кетди. Осмонда бало бормиди? Вой, ўшанда куёвимнинг аҳволини бир кўрсанг эди, нақ уч кун хўн-хўн йиғлаб юрди-я...

«Ассалому алайкум, мураббий-жон болам! Умриндан барака топ-гур, шогирдларингни одамга ўхшаб тўп тепишга ўргатсанг, бўлмайди? Футбол деганинг куёвимни адоий тамом қилди-ку, ахир! Нима бўлди, дейсанми, унда зшит.

Кўманданг ўйнаган кечаги кунда қимматбаҳо яп-янги тилвизиримиз портлаб кетди. Ўзи портлагани йўқ. Ҳалиги ношуд хужумчинг дарвозага тўп тепаман деб, оёғи осмондан бўлиб йиқилиб тушиб, ўртоқлари турғизиб қўйгунча шалпайиб ётаверди. Ўшанда куёвим аламига чидолмай, тилвизиримизга калла қўйди. Ўзини Худо бир асради, бир асради, шунисига шукур...

Олдинги ўйинда ҳам ғалабани бой берувдиларинг, қизим бечора эрта-лабгача бир замбил идиш-товоқ синигини йиғиштириш билан овора бўлди. Неварамнинг тувагини кўш-нимизнинг боғидан топиб келдик. Ўшанда куёвимнинг жазаваси тутиб, мениям кўтариб отворишига бир баҳя қолди.

Бу нима деган гап, ҳадеб ютқиза-верасанларми? Нон еганмисанлар ўзи? Меҳмонга бориб, етита тўп ўтказиб кепсанлар. Ландавурлик ҳам эви билан-да! Тўпни у ёқда сенлар едиларинг, калтакни бу ёқда қизим бечора еди.

Ўйинларинг бор бўлсин, мураб-бийжон болам. Овқатимизда ҳам маза қолмади. Қизим ҳам ўйинга алаҳсиб, шовлага бир коса туз солов-рибди. Ўзим қарашворсам бўлар-ди-ю, лекин сенлар ҳам бирорта гол киргизасанларми, деб тилвизирга ти-килиб ўтираверибман. Ноумид шай-тон-да, болам.

Ҳа, майли, ишқилиб, бизники ун-чалик ваҳимали эмас. Аммо ён кўш-нимиз Насимвой сенлар ҳалиги бала-ндрок лига деган жойдан тушиб қолганларингдан кейин оёқ-қўли қалтирайдиган бўлиб қолди. Маҳал-ламиздаги Халчанинг ўғли ўзидан-ўзи ҳиринглайдиган одат чиқарди. Шу-ларни кўриб, куёвимдан хавотирда-ман. Ҳар қалай, қайнона бўлсам ҳам онаман-да!

Қисқаси, мураббийжон ўғлим, бу йил бир амаллаб ҳамма рақиб-ларни ютинлар. Ҳеч бўлмаса, дуранг қилинлар. Акс ҳолда, куёвим бир бало бўлиб қолса, қизимнинг аҳволи нима кечади?..

Сенларга куч-қувват ва омад тилаб: Тўпа холанг».

Қобилжон ЮНУСОВ

Ўқинг, бу – қизиқ!



«АЛГЕБРА» ВА «АЛГОРИТМ»НИНГ МАЪНОСИ

Бу сўзларнинг иккаласи ҳам дунё илм-маърифати ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуг бобо-калонимиз – буюк математик, астроном ва географ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850 йиллар) фаоли-яти билан боғлиқ. У алгебра фан-нига асос солган. Ушбу фан номи ҳам унинг «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқо-бала» рисоласидан олинган. Зеро, арабча «алжабр»нинг лотинча-даги транскрипцияси, яъни то-вушларнинг ҳарфлар воситасида аниқ ифодаланмиши «алгебра» де-макдир.

Алломанинг арифметик асар ҳисобланмиш «Ҳинд ҳисоби (ёки қўшиш ва айриш) ҳақида китоб»и ҳозир биз фойдалана-диган ўнлик позиция ҳисоблаш тартибининг бутун дунёга тарқа-лишида муҳим аҳамият касб эт-ган. У XII асрдан эътиборан Ғарб олимлари томонидан қай-та-қайта ишланган ва шу асосда дарслиқлар яратилган. Барча-сининг номида «Алгоритми ки-тоби» деган жумла бўлган.

Ҳинд рақамлари Европада араблар орқали ўтган. Ана шу боис бугунга қадар «араб рақам-лари» дейилади. Қитъа аҳли узок вақт мобайнида ушбу ҳи-соб тизимини «алгоритми» деб келган. Фақат XIV аср ўрталари-дагина уни «арифметика»га ал-маситирган. Шу-шу «алгоритми» ёки «алгоритм» деганда, ҳар қандай мураккаб ҳисоблаш ти-зимини тушуниладиган бўлган. Бо-бокәлонимизнинг ал-Хоразмий тахаллуси «алгоритм» тарзида фанга мангу муҳрлиниб қолган.

Мозийдан садо «САРҲОВУЗ» бўйидаги «меҳмон»

Хива хони меҳмонлар билан ош еб ўтирган экан. Бир маҳал вазир қа-раса, хоннинг юқорги лаби устига бир дона гуруч ёпишиб қолганмиш. Буни ошқора айтса, хоннинг жаҳли ёмон, «Мени бошқалар олдида уял-тирдинг!» деб уни ўлимга буюриши аҳтимолдан холи эмас. Айтмаса, яна бўлмайди.

Боши қотган вазир не қиларини билмай, ёнида ўтирган шоирга имо қилибди. Шоир дарҳол қуйидаги шеърни тўқиб, овоз чиқариб ўқибди:

Бўйиндан ўргилай Хиванинг хони,
Сенга қурбон бўлсин тандаги жони.
Сарҳовуз бўйида меҳмонинг қолди,
Беш навкар юбориб, олдиригин они.

Шеърнинг маъносини уққан хон лабига ёпишган гуручни меҳмон-ларга сездирмай, беш бармоғи билан олиб ташлабди.

Мунавварқори АБДУРАШИДХОНОВНИНГ
«Адиби соний» дарслик-мажмуасидан

Алломалар дейдилар... УМИД – одам тўймайдиган бойлик!

- Инсон ҳаётида энг кўп фойда берадиган нарса – умид.
- Умид юрак ёрилиб кетмаслиги учун қалқондир.
- Ҳамиша умид билан яшамоқ ва тушунлиққа берилмаслик мард одамнинг фазилатидир.
- Умид тунги осмон монандидир: зўр бериб тикилган нигоҳ охир-оқи-бат бирон-бир гўшадаги юлдузга топади.
- Ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидча-лик дори топиб беролмайди.
- Умр бўйи бизга ҳамроҳ бўлган умид ҳатто ўлим тўшагида ҳам бизни тарк этмайди. У ҳатто қабр ёқасида ҳам яшайди.
- Умид тугаган жой хувиллаб қолади. Умидсиз киши лангарсиз кема кабилдир.

Ибратли ҳикоя



ДУНЁ ХАСТАХОНАСИДА НЕ-НЕ ТАБИБЛАР БОР!

Тасаввуф илмининг IX асрда яшаган энг йирик намоянда-ларидан бири Боязид Бистомий руҳий хасталар уйи ёни-дан ўтаётганида, бир табиб ҳавончада дори майдалаёт-ганини кўриб, «Кўп ва хўб гу-ноҳқорман, унга қарши до-ринг борми?» деб сўрабди. Та-биб бошини кўтариб улгурмай, хастахона панжарасидан қа-раб турган бемор унинг ўрнига жавоб берибди:

– Тавбанинг томири ила истиғфорнинг япроғини ара-лаштир ва қалб ҳавончасида тавҳид тўқмоғи билан туйиб майдала. Кейин уни инсоф элагидан ўтказиб, кўз ёши би-лан қориштир. Охирида ишқ тандирида пишириб, бомдоду шом орасида кўпроқ тановул қил. Ана шунда касалинган асар ҳам қолмайди.

Бу гапни эшитиб, кўзлари жикқа ёшга тўлган ҳазрат Бистомий «Ё, Раббим! Бу дунё хастахонасида не-не табиб-ларинг бор?!», дея хитоб қи-либди.

Митти масаллар

«Вафодор»

Девор михга ўз бағридан жой берди. Мих унга бир умр вафодор бўлиб, содиқ қолишни ваъда қилди ва маҳкам ўрнашиб олди. Вақти келиб, девор эскирди, михни сўғуриб, бошқа деворга қоқишди. Мих янги қад кўтарган деворнинг тумшугига бошини суқиб пичирлади:

– Бир умр оғушингда қоламан!

«Меҳрибонлик»

Олов бурилиб келиб, қозоннинг қулоқларига ши-вирлади:

– Билсан, дунёда энг меҳрибонинг менман, таф-тимни сендан аямайман.

Алқисса, оловнинг «меҳрибонлиги» туфайли қо-зонни қоп-қора курум қоплади.

Алдамчи

– Сендан ўзганинг юзига қарамайман, – дея роз айтди шамол гўзал қизнинг момик юзларини оҳишта силаб. – Умр бўйи парвонанг бўламан.

Қиз ишонди. Шамол йўлида давом эта туриб, кў-лига асо тутган кампирнинг қулоғига ҳам нималар-нидир ғўнғиллаб, унинг оппоқ сочларини ўйнатди. Сўнг яна ўз йўлида кетаверди.

Нормамат ТОҒАЕВ

Нега шундай деймиз?

Ёмоннинг кучи япалоққа етибди

Япалоққуш – тунги йиртқич паррандалардан бири. Бойў-лига ўхшаб кетади. Боши катта, паплари танасининг олд қисмида юз дис-кини ҳосил қилгани боис япалоққуш деб ата-лади. Тумшуги ил-моқсимон, лекин кучли эмас. Шовқин-сиз учади, товуш чикармайди, фақат кўпайиш даврида хуштакка, ғук-ғукла-ган ёки қаҳ-қаҳ уриб кулганга ўхшаш овоз чиқаради. Вазни 300-400 грамм атрофида, ўзи



нимжонгина бўлади. Ўзбе-паррандалардан бири. Бойў-лига ўхшаб кетади. Боши катта, Амударё этакларида, Қи-патлари танасининг олд қисмида юз дис-кини ҳосил қилгани боис япалоққуш деб ата-лади. Тумшуги ил-моқсимон, лекин кучли эмас. Шовқин-сиз учади, товуш чикармайди, фақат кўпайиш даврида хуштакка, ғук-ғукла-ган ёки қаҳ-қаҳ уриб кулганга ўхшаш овоз чиқаради. Вазни 300-400 грамм атрофида, ўзи

нимжонгина бўлади. Ўзбе-паррандалардан бири. Бойў-лига ўхшаб кетади. Боши катта, Амударё этакларида, Қи-патлари танасининг олд қисмида юз дис-кини ҳосил қилгани боис япалоққуш деб ата-лади. Тумшуги ил-моқсимон, лекин кучли эмас. Шовқин-сиз учади, товуш чикармайди, фақат кўпайиш даврида хуштакка, ғук-ғукла-ган ёки қаҳ-қаҳ уриб кулганга ўхшаш овоз чиқаради. Вазни 300-400 грамм атрофида, ўзи

нимжонгина бўлади. Ўзбе-паррандалардан бири. Бойў-лига ўхшаб кетади. Боши катта, Амударё этакларида, Қи-патлари танасининг олд қисмида юз дис-кини ҳосил қилгани боис япалоққуш деб ата-лади. Тумшуги ил-моқсимон, лекин кучли эмас. Шовқин-сиз учади, товуш чикармайди, фақат кўпайиш даврида хуштакка, ғук-ғукла-ган ёки қаҳ-қаҳ уриб кулганга ўхшаш овоз чиқаради. Вазни 300-400 грамм атрофида, ўзи

Бўйинбоғ тақишни унутган мезбон



Ўзбек адабиётининг атоқли намоян-даларидан бири, машхур шоир, забар-даст драматург, адабиётшунос олим ва таржимон Мақсуд Шайхзода (1908-1967) табиатан одамоҳун, ўта самимий инсон эди. У турли таҳририятлар ходимлари илтимосини ҳам бажонидил бажарар, айрим калондимоғ адиб-ларга ўхшаб журналистларни ҳуда-беҳуда овора қилмасди.

Иттифоқ, ёзнинг жазирама кунларидан бирида «Гулхан» жур-нали ходими Наримон Орифжонов янги шеър ундириш умидида шоирнинг уйига борибди. Кўнғироқ тугмачасини босгандан сўнг кўп ўтмай останада эгнига фақат трус, бошига сомон шляпа кий-ган Шайх ака кўринибди. Наримон ака қутилмаган вазиятдан хижо-лат тортиб, ўзини кўярга жой тополмай қолибди. Бир амаллаб, мақ-садини айтган экан, шоир ундан уэр сўраб, шундай дебди:

– Айбга буюрмасиз-да энди, иним, мен бўйинбоғ тақишни унутибман...

Шодмон ОТАБЕК